

67.4001  
Э-74



БОЛ ЭРНАЗАРОВ

# КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

«Фан»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРОЛ ЭРНАЗАРОВ

КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИМИЗНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2009

Мазкур илмий-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, юридик ўқув юртларининг талабалари, профессор-ўқитувчилари, юристлар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
юридик фанлари доктори  
Й. РАҲИМОВ

Такризчилар:  
юридик фанлари номзодлари, доцентлар  
М.Х. ЖИЯНОВ, М.АКАЕВА

## **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланади**

*Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.*

*Конституциямизнинг энг муҳим жойи шундан иборатки, у биз ҳаммамиз орзу қилган жамиятга эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуг дорилфунун вазифасини ўтайди.\**

**И.А.Каримов**

### **КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТ МАНБАИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ**

Келажаги буюк бўлган Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ ривожланишнинг дунё тажрибасида синалган ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг моҳияти миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирувчи, бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдан иборатдир”<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда жаҳонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тамойилларининг шаклланиш жараёни тугалланмаган, уларни амалиётга татбиқ этишнинг мақбул шакллари кидириш давом этмоқда. Ана шундай пайтда Ўзбекистон давлати ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида инсонпарвар, суверен, мустақил бўлган, ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини қуришни танлади.

Бу жамият Ўзбекистон моделига хос ва мос бўлган миллий маданиятимизни, анъаналаримизни, яшаш қоидаларини, урф-одат

---

\* Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 398-бет.

<sup>1</sup> Яшаш ҳуқуқи ва шахс дахлсизлиги кафолати (илмий-амалий кўлланма). Масъул муҳаррир: Ш.Х.Файзиев. Тошкент: АҚХМИ, 2008.3-бет.

нормаларини эътиборга олган ҳамда бозор иқтисодиёти муносабатларидан келиб чиққан ҳолда, бу жараённинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий асосларини уларнинг ҳуқуқий кафолатини яратиб беришга асосий эътиборни қаратмоқда.

Айниқса, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтиришда аҳолининг, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришни демократик тамойиллар тарзига айлантириш ва сингдириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб колмоқда. Шунинг учун ёш кадрлар ва талабаларни ўқитиш ва тарбиялашда республикаимизнинг "Таълим тўғрисида"ги (1997 йил 29 август) Қонунининг қабул қилиниши, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Миллий дастурларнинг қабул қилиниши ҳамда давлатимиз Президенти томонидан 2001 йил 4 январда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши ва бошқа норматив ҳужжатлар халқимизнинг ҳуқуқий онг ва тафаккурини, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларнинг моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган.

Ҳар бир давлат Конституцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам давлатнинг Асосий Қонуни сифатида халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатларига хизмат қилади, умуминсоний тамойилларга асосланади, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият эканлигини эътироф этади ва уни кафолатлайди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият" деб номланган маърузасида "Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ҳар қайси оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда конституциянинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундайди"<sup>1</sup>. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – янгиликнинг эскилик устидан,

---

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият // Халқ сўзи. 2005 йил. 7 декабрь.

эркинликнинг зўравонлик устидан, адолатнинг ҳақсизлик устидан, тараққиётнинг таназзул устидан ғалабасини муҳрлаган ҳужжатдир<sup>1</sup>.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг қабул қилинганлигига 16 йилдан ошди. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2008 йилни мамлакатимизда “Ёшлар йили” деб эълон қилди ва давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус Давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди<sup>2</sup>. 2008 йил 29 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида<sup>3</sup>ги қарори қабул қилинди. “Ватанимизнинг босқичма-босқич барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз” деб таъкидлади. Президентимиз Ислоҳ Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган маърузасида, “Конституциямиз юртимизда демократик давлат қуриш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича энг муҳим тамойиллар, қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда”<sup>4</sup>. Ўтган йилларнинг энг муҳим натижаси халқимизнинг танлаган йўли тўғрилигига, ўз мамлакатининг буюк келажагига ишончи ортиб бораётганлигидадир. Ўтган йиллар яқунлари биз тўғри йўл танлаганлигимиз, ислоҳотларнинг асосий тамойилларини тўғри белгилаб олганлигимиз, янги ланиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон модели ўзини тўла-тўқис оқлаб, муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётганлигидан далолат бермоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / А.А. Азизхўжаев, Ғ. Абдураҳимов, М.А. Аҳмадшаева ва бошқалар. Масъул муҳаррир: А.А. Азизхўжаев, Ўз Р. Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 11-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият. 14-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 87-бет.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 2008 йил, 1 март.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2008 йил, 6 декабрь.

**Конституция** – бу (лотинча. Constitutio – тузилиш, қурилиш, тузук, низом, яратиш деган маъноларни англатади)<sup>1</sup> давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий табиатини тўлиқ ифода этади. Конституция – халқнинг руҳияти, иродасини, унинг манфаатини таъминлаб берувчи олий юридик ҳужжатдир. “Чингизхон “Ясо”си, Амир Темурнинг “Тузуқлар”и Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизацияларига хос бўлган алоҳида шаклдаги конституцион ҳужжат хусусиятига эга бўлган. Улар XIII-XIV асрларда шариат қонунлари билан бир қаторда Ўрта Осиё халқларига давлатнинг аҳволини ифодаловчи таъсир ўтказган”<sup>2</sup>. Конституция – адолатли ҳаёт кечиришнинг асосини таъминловчи ҳуқуқий манбадир. Бу қонундан юқори турувчи бирор-бир норматив ҳуқуқий ҳужжат йўқ. Аммо халқ эрки ва иродаси, манфаати устун туради ва бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида тўлиқ қафолатланган. Конституциянинг Олий кучга эга эканлигини эътироф этиш ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги учун муҳим аҳамият касб этади. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида таъкидланишича, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”. Устуворлик тамойили инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқлидир. Ана шундан келиб чиқиб инсонларнинг яшаш ҳуқуқи, меҳнат қилиш эркинлиги, дам олиш ҳуқуқи, уй-жойга бўлган ҳуқуқ ва дахлсизлиги, қариликда моддий таъминот олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқи, сўз, виждон эркинлиги, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш эркинликлари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар демократия ҳамда инсон эркинлиги негизини ташкил этади. Бу қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши бевосита республикамиз Президентининг ташаббуси асосида амалга оширилиб, уларнинг асосий вазифалари аҳоли катламлари ўртасида ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий онгни ҳамда ҳуқуқий тарбияни амалга оширилишининг бутун бир янги тизимини вужудга келтиришдир. Бу қондалар Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Адолат, 2003. 8-бет; Жаҳон Конституциялари. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2001. 4-бет.

<sup>2</sup> Жаҳон Конституциялари. 1-жилд. 4-бет.

Декларациясининг қабул қилинганлигига 60 йил тўлиши муносабати билан юртбошимиз томонидан уни кутиб олиш ва турмушга татбиқ этиш юзасидан “Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонида яна бир бор таъкидланди<sup>1</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси парламенти республикамиз конституциясига асосланиб 600 дан ортиқ қонунларни, 15 та Кодексларни, айниқса, “Судлар тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонунларни, Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар киритди. Юртбошимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгил-мас куч” асарида “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшашни учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин<sup>2</sup>, деб таъкидлади. Демак, ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятида яшовчи ҳар бир шахс юксак маънавиятли, баркамол инсон бўлмоғи лозим. Комил инсон тарбияси, инсон маънавиятини юксалтириш, оила, маҳалла тинч-тотувлиги, аҳолининг ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятга эришиши ҳар биримизнинг асосий мақсадимиздир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтди. Инсон табиат ва жамиятнинг энг олий маҳсули бўлса, унинг маънавияти, хулқ-одоби ва гўзаллиги энг буюк кадриятдир. Юксак сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, ҳуқуқий

<sup>1</sup> “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2008 йил 1 май // Халқ сўзи. 2008 йил, 2 май.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 4-бет.



маърифатли, фозил инсонларни тарбияламасдан туриб, Конституция ва қонунларнинг устуворлигига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни, айниқса, фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин эмас. Конституция – инсон ва фуқароларга бўлган гуманизм тамойилини, уларнинг юқори қадриятли ҳуқуқларга эга эканлигини янада кенгайтирди. Бу ҳуқуқлар қандай ҳуқуқлар? Уларнинг мазмун ва моҳияти нималардан иборат? Бу ҳуқуқлар айниқса Конституция-мизнинг иккинчи бўлимида, яъни “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб аталиб, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948 йил 10 декабрь) барча тамойил ва қоидаларига мос бўлиб, унда фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бу ҳуқуқларнинг кафолатланиши тўлиқ ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳаётнинг барча соҳаларида, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларда бир-бирлари билан тенгдирлар. Айрим шахсларга қўлланилиши лозим бўлган имтиёзлар қонунда белгиланиб, фақат ижтимоий адолат тамойиллари асосида бўлиши тўлиқ кафолатланилган. Айниқса, уларнинг истаган динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги конституциявий кафолатланиб, ўзларининг ихтиёрига берилган бўлиб, бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини давлат ўз ҳуқуқий нормалари, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги<sup>1</sup> Қонуни билан тартибга солинади ва мустақамланади ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминлайди. Бу бўлим фуқаролар, яъни инсонлар билан боғлиқдир. Улар ҳуқуқларининг кенгайиб бораётганлигига мисол тариқасида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни (янги таҳрири) олиб қарасак, унда, биринчидан, “Прокурор хўжалик фаолиятига бевосита аралашishi, шунингдек, идоравий бошқарув органларининг вазифаларини бажаришга киришиши мумкин эмас” деган қоидаининг киритилиши;

Иккинчидан, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат” деган қоида ўз ичига вазирликлар, корхона ва ташкилотлар, ҳокимлар ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминланиши прокурорлик назорати остига олинганлиги;

---

<sup>1</sup> “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири). 1998 йил, 1 май; Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент: Адолат, 1998. 19-сон.

Учинчидан, Президентимиз ташаббуси билан прокуратура органлари таркибида ўз ходимларининг ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция тузилиб, унинг асосий мақсади прокуратура ходимлари томонидан мансабини суистеъмол қилувчилардан тозалашдир;

Тўртинчидан, прокурор амрномаси йўқотилди. Чунки бу назорат органларининг ваколатидаги маъмурий буйруқбозликка асосланган эди;

Бешинчидан, прокуратура ваколатига ҳуқуқбузарликни олдини олиш ваколати киритилди;

Олтинчидан, прокурорларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида янги бандлар киритилиб, “фуқароларнинг устидан назорат олиб бориш” деган қоидалар умуман олиб ташланди;

Еттинчидан, Бош прокурор қабул қилган қарорлар ёки бошқа норматив актлар Конституция ва ҳаракатдаги қонунларга зид келса, уларнинг қонунийлигини текшириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатига ўтказилди.

Саккизинчидан, “Прокурор кенг ваколатларга эга бўлган назоратчи” деган тушунча ўрнига “қонун ҳимоячиси” деган маъно ва мазмун вужудга келди”<sup>1</sup>.

Айниқса, 2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Кодески Жиноят-процессуал кодеклари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш”, ижтимоий хавфли бўлган жиноятлар санкцияларининг либераллаштирилиши (юмшатилиши, эркинлаштириш), вояга етмаган шахсларга ва хотин-қизларга ҳамда 60 ёшдан ошган эркакларга ўлим жазоси қўлланмаслиги ҳамда мулкни мусодара қилиш институтларининг бекор қилинганлиги, яъни кўпчилик ҳолатларда жамиятдан бегоналаштирмаслик лозимлиги инсонларнинг ҳуқуқий ва муомала лаёқатларини янада кенгайтириб бораётганидан дарак беради. Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш асосан қасддан содир этилган жиноятларга, эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноятларга, 5 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиниши лозим

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). Тошкент, 2006.

бўлган жиноятлар учун қўлланишлиги ҳам инсон ҳуқуқларининг химоя қилиниши имтиёзлар асосида амалга оширилишидан иборатдир. Мусулмон дунёси виждон эркинлигининг буюк хазинаси бўлган Куръони карим нормаларининг баъзи бирларини ҳуқуқларимиз соҳаларига, айниқса, фуқаролик, меҳнат ва оила ҳуқуқларига кириб келиши ва қисман бўлса-да, худди манбадек кўриниши фуқароларимиз ҳуқуқлари ва эркинликларининг янада такомиллашиб бораётганлиги далолатидир.

Бош қомусимизнинг эътиборга молик томони шундаки, унда республика фуқаролари ва давлатнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқликлари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, ҳуқуқий мустақилликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Бизнинг мамлакатимиз худудида яшаётган ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўзининг вакиллариини сайлаш, бошқариш, референдумлар ўтказиш каби демократик ҳуқуқий институтлар орқали қатнашади. У ўз сиёсий ҳуқуқларини касаба уюшмасига, республикаимиз худудида мавжуд бўлган 4 та партия, 300 дан ортиқ жамоат бирлашмалари, ташкилотлари орқали фаол иштирок этиш йўли билан амалга оширади. Мабодо, юқорида кўрсатилган жамоат ташкилотларида муҳолифатчи томон озчиликни ташкил этса ҳам, бу шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда кадр-қимматларининг ҳеч бир киши томонидан камситилишига йўл қўймаслик муносабатлари давлат томонидан конституциявий асосда қафолатланган.

Бозор муносабатларини ривожлантириш, айниқса, унинг ҳуқуқий механизмини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Биринчи чақириқ бешинчи сессиясида қабул қилинган “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқлари химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (1996 йил 26 апрел) конституциявий нормаларни янада ривожлантириш, давлат томонидан истеъмомчилар ҳуқуқлари устунлигини химоя қилиш ва қафолатлашни эътиборга олган ҳолда, барча ҳуқуқий муносабатлар субъектларига мустақиллик, тенглик, фаоллик кўрсатиш, иқтисодий рақобат, тадбиркорлик, самарали меҳнат қилиш имкониятларини амалга ошириш қафолатларини тўлиқ яратиб берди. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт негизини ташкил этувчи хилма-хил мулкчилик шакллариининг барчаси ва хўжалик юритишнинг қулай бўлган шакллариини танлаб олишга катта эътибор қаратилган бўлиб, айниқса, конституциявий асосда бошқа мулк шакллари каби хусусий

мулкнинг бошқа мулклар билан тенглиги ва баб-баробар асосда тўлиқ ҳимояланиши конституциямизда қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

“Миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислох қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур”<sup>1</sup>. Хусусий мулкни, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни рағбатлантириш ҳамда уларни текширишни янада қисқартириш, тадбиркорлик субъектлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини ва бошқа фаолиятларни янада ривожлантириш тўғрисида Республикамиз Президенти томонидан 2005 йил июнь ойининг ўзида 3 та Фармон ва “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги қарори ва кўп ўтмасдан яна бир қарори қабул қилинди<sup>2</sup>. Ҳатто, “Муқобил текширишларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида” кўрсатмалар ҳам қабул қилиниб тадбиркорликни, яъни хусусий мулк билан боғлиқ бўлган муносабатларни янада ривожлантиришга ниҳоятда катта эътибор қаратилмоқда.

Янги Конституция оналар, хотин-қизлар, аёлларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кўлами бўйича эркаклар билан тенглигини эътироф этиб, алоҳида моддада яна бир марта мутлақ асосда мустаҳкамлаб қўйди.

“Мухтасар айтганда, – дейди юртбошимиз И.А.Каримов – ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”<sup>3</sup>.

Конституциямизнинг асосий мақсадларидан бири, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг аҳволини яхшилаб, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, пенсиялар, нафақаларни ёки ижтимоий ёрдам турларининг миқдорларини кўпайтириш ва кенгайтириш, хайрия фондлари орқали рағбатлантирилишга катта эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, касб танлаши, ишсизликни ҳимоя қилиниш ҳуқуқларини ҳамда қариганда

---

<sup>1</sup> Ислоҳ Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 13-бет.

<sup>2</sup> Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. Тошкент, 2007.

<sup>3</sup> Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. 58-бет.

меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда уларга тааллуқли бўлган ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари конституцияда тўлиқ кенгайтирилган асосда ўз ифодасини топди ва бундан кейин ҳам бу масала давлатимизнинг биринчи галдаги вазифаси эканлиги яна бир марта кўрсатилди.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Унинг қонунлари, фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган аниқ мақсадлари, айниқса, ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг адолатли қондаларига риоя қилиши билан бошқа давлатлардан фарқ қилади. Унинг қонунлари ўз фуқароларининг жамият ва давлатнинг эрк-иродасини, манфаатларини энг юқори даражага кўтариб, уларни ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширмакда.

Қонун ва давлат бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ эса давлатсиз ҳеч қачон ўз вазифасини бажара олмайди.

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамият сари” сиёсий қурилиш дастурини амалга оширар эканмиз, биз доимо ёдимизда тутишимиз лозимки, яъни “давлат бўлмаса, фуқаролик жамияти ҳам бўлмайди ва, аксинча, фуқаролик жамиятсиз давлат ҳам бўлмайди”<sup>1</sup>.

Қабул қилинган қонунларимиз конституциямизга мос ҳолда мустақил давлатимизнинг хусусиятларини, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ривожланишини ҳамда миллий одат, анъана ютуқлари, нуфуз сиёсати, инсонпарварлиги ва маданият олами ютуқларини эътиборга олган ҳолда турмушга татбиқ этилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Олий Мажлисининг икки палатали тизимга ўтиши, яъни қонунчилик палатасининг профессионал асосда қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни ниҳоятда диққат-эътибор билан муҳокама қилиб, қабул қилиши ва Сенатга уни маъқуллаш учун тавсия қилиниши қонунларимизнинг халқ эркини, иродасини, унинг манфаатларини ўзида тўлиқ акс эттириб камраб олаётганлиги исботидир.

Республикамизнинг Олий Мажлиси ўзининг тўлиқ статусига эга бўлди, яъни ҳуқуқий пойдевори яратилди. Ҳозирги парламентимиз юқори даражада ривожланган, маданийлашган ва маърифийлашган давлатлар парламентлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Айниқса, демократик жараёни кучайтириш ва уни янада

---

<sup>1</sup> Раянов Ф.М. Проблемы теории государства и права (юриспруденции). М.: Право и государство, 2003. С. 85.

такомиллаштириш мақсадида ҳамда жамоат ташкилотларининг давлатни бошқаришдаги ролини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"<sup>1</sup>ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунининг қабул қилинганлиги ниҳоятда диққатга сазовордир. Бу қонунда асосан жамоат аҳлининг давлатни бошқаришда энг муҳим роли кўрсатилган.

Бозор иқтисодиётининг энциклопедияси бўлган Республикамиз Фуқаролик кодексининг биринчи ва иккинчи қисми қабул қилиниши, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, ноширлик фаолияти, фуқаролар соғлигини сақлаш, хориждан маблағ ва инвестициялар жалб этиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилиниши конституциямиз нормаларининг турмушга татбиқ этилиш механизмини янада кучайтириб ва такомиллаштириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг чет давлатлар худудида 48 та дипломатик ваколатхоналарига эга эканлиги, ҳатто, ўз худудимизда 86 та элчихона ва савдо ваколатхоналарининг аккредитация қилинганлиги<sup>2</sup> жаҳон мамлакатлари ўртасида Ўзбекистоннинг кундан-кунга обрў-эътибори, нуфузи ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Модомики, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг энг фаол субъектларидан ҳисобланаётган Ўзбекистон БМТ, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузилмалар ҳамда 105 та мамлакатни ўзида бирлаштирган Кўшилмаслик ҳаракати аъзосига айланди. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКО га аъзоликка қабул қилинди. 1994 йил октябрь ойида Парижда ватандошимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган "Улуғбек ҳафталиги", ҳамда буюк саркардамиз Амир Темурга бағишланган маданият ҳафталиги, "Темурийлар даврида фан, маданият ва

<sup>1</sup> "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. Ўзбекистон Конституциявий судининг ахборотномаси. 2007. 15-сон. 17-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. 23-бет.

маорифнинг гуллаб-яшнаши” мавзусида халқаро конференция ва кўргазмалар, 1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналари ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди. Жаҳоннинг 150 га яқин давлатлари билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлган қўшма мажлисидаги маърузасида жинойий жазолар тизимидан ўлим жазосини чиқариш суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мувофиқ келади. Чунончи, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир”<sup>1</sup>, 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида эса “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”<sup>2</sup>, деб белгиланган.

Мазкур қоидалар мамлакатимиз Конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, 24-моддасига кўра эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши юртимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қуришнинг ўзбек модели ва унинг ажралмас қисми бўлмиш суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми бўлганлигини, халқимиз дунёқарашининг ўзгариши, тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, зарур шарт-шароитларнинг пишиб етилишига монанд тарзда босқичма-босқич халқаро

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар // БМТ Тараққиётга Ҳамкорлик Кўрсатиш Дастури. Тошкент: Адолат, 2002. 49-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар // БМТ Тараққиётга Ҳамкорлик Кўрсатиш Дастури. Тошкент: Адолат, 2002. 56-бет.

хамжамиятнинг ҳам юсак эътирофига сазовор бўлаётганлигини қайд этиш лозим.

Чунончи, Словения раислигининг Европа Иттифоқи номидан баёнотида шундай дейилади: “Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизгин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислохотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди. Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб биледи ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади”<sup>1</sup>.

Ўз навбатида Халқаро Амнистия ташкилоти ҳам Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилинганлигини олқишлаб, бунинг ушбу шафқатсиз ва гайриинсоний жазони қўллашни бутун дунёда тақиқлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганлигини қайд этди. Мазкур ташкилот берган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёда 135 та давлатда ўлим жазоси қонунчиликда ёки амалиётда бекор қилинган. 62 та давлатда ушбу жазо ҳамон амал қилмоқда. 2006 йил давомида 25 та давлатда 1,591 нафар маҳкум қатл қилинган бўлиб, уларнинг 91 фоизи Хитой, Эрон, Покистон, Ироқ, Судан ва АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳукукининг судларга ўтказилиши 1957 йилда қабул қилинган “Экстрадиция қилиш тўғрисида”ги Европа Конвенцияси ва 1993 йилда имзоланиб, 2003 йилда янги таҳрирда тасдиқланган “Ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Минск конвенцияси талабларига ҳам тўла мос келади. Эндиликда Ўзбекистонда жиноят содир этиб, хорижий мамлакатларда қочиб юрган жиноятчиларни экстрадиция қилиш тартиби осонлашиши кутилмоқда. Чунки аксарият ривожланган давлатларда шахсни экстрадиция қилиш учун прокурорнинг санкцияси эмас,

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2008 йил. 5 январь.



балки суднинг шахсни қамокқа олишга санкция беришга оид қарори талаб қилинади.

Мавжуд маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда, дунёнинг 120 га яқин мамлакатида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш судлар ваколатига берилган. Фақат 15 га яқин мамлакат қонунларида, шахсни қамокқа олишга прокурор томонидан санкция бериш амалиёти сақлаб қолинган.

Ғарб мамлакатларида жиноий таъқибга учраган фуқароларнинг адолатли “*habeas corpus*” деб юритиш одатга айланган. Бу атама 1679 йил 27 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун “*Habeas Corpus Act*” номидан келиб чиқади. Мазкур атама лотинчадан таржима қилганда, “танани, шахсни (судга) келтириш” деган маънони англатади. “*Habeas Corpus Act*” ўз давридаги инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кўзловчи энг илғор қонунлардан бири бўлган десак тўғри бўлади. Мазкур қонун ўша вақтда Англияда мансабдор шахслар, шерифлар, турма бошлиқларининг авж олган ўзбошимчилигини чеклаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш мақсадида қабул қилинган. Мазкур тарихий қонун ўз даври ва кейинги даврларда ҳам инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқининг кафолати сифатида, аввало англосаксон ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатлар қонунларида ўз аксини топиб, кейинчалик дунё мамлакатлари қонунчилигига кириб борган.

Айниқса минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ва бошқа долзарб муаммоларни ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганлигини бутун жаҳон давлатлари эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро сиёсий майдондаги халқаро иқтисодий муносабатларда ҳамда халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида қўпчилик жаҳон мамлакатлари томонидан тўлиқ тан олинганлиги оламшумул аҳамиятга эга.

Республикамиз Олий Мажлиси томонидан Иккинчи чақириқнинг бўлиб ўтган олтита сессиясининг ўзидагина истиқлол даврининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қирқдан ортиқ қонун қабул қилинди. Аммо бу қонунларни қандай тарғибот қилаёпмиз?

Конституциямиздан юқори бўлган қонун йўқ. Лекин Конституция ўз нормаларида халқ эрки ва иродасини қонун даражасига

кўтариб, мустаҳкамлаб уни ҳамма учун тенг, баробар, бажарилиши мажбурий бўлган нормага айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақирик олтинчи сессиясида Республика Президенти И.А.Каримов демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичдаги вазифаларини баён этиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали механизмини такомиллаштириш, адолат тамойилини кенг қўллаш айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини фуқаролик жамияти тамойилларига мувофиқ эркинлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Бу республикаимиз Конституциясида кўрсатилган инсон ҳуқуқларининг кафолатланган ҳимоясининг бир қисмидир.

Айниқса, 2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловлари демократия тантанасининг яққол намунасидир. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни тузиш масаласи юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш каби масалалар халқимизнинг давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирокини тўлиқ таъминлаб бериш, адолатли қонунлар устуворлигини таъминлашга қаратилган тадбирлардир.

Бугунги кунда халқимизнинг моддий, маънавий муносабатларининг янада мустаҳкам, барқарор бўлиб бориши, мамлакатимизда жаҳон давлатлари каби “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонларнинг 2008 йил 1 январдан кучга киритилиши, Ўзбекистон Республикасининг инсонпарвар бўлган ҳуқуқий демократик давлатни куришдаги ҳиссасини ҳамда жаҳондаги маънавий ва маърифийлашган энг юқори даражада ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлигини эътироф этишимиз лозим. Яна бир эътироф – таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти - ISESCO ҳамкорлигида 2007 йилда Тошкент шаҳри “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинганлиги ҳамда “Ўзбекистон - Ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти” мавзусидаги халқаро анжуманнинг ўтказилиши ва унда 20 дан ортиқ давлатларнинг олимлари, давлат раҳбарлари ва мутафаккирларининг қатнашиши ҳамда бу анжуманнинг Самарқанд ва Бухорода ўтказилиши ўзига хос рамзий мазмун ва маънога эга эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Самарқанд рўйи заминнинг сайқали, Бухоро – ислом динининг

қуввати<sup>1</sup>, яъни бу анжуман Ўзбекистон Республикасининг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган хиссасини ва буюк мутафаккирларимизнинг юрти эканини, буюк Моворауннахр эканлигини, ўзининг қалами билан бутун жаҳонни қўлга олган **“... авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони”**<sup>2</sup> Алишер Навоий юрти, ўзининг газаллари билан жаҳонни титратган Машраб юрти, Куръондан кейин иккинчи ўринни эгаллаган Имом ал-Бухорийнинг “ал-Жомий ас-Саҳих”и – “Мусулмонлар ҳаётининг йўлчи юлдузи” асарига Исмоил Маҳдум Соттиевнинг маърузаси ёки шарҳлари ёзилган юрт эканлиги муҳим аҳамият касб этган<sup>3</sup>. Диёримизда ислом мероси ва хазинасини асраш ва бойитишга катта эътибор берилаётганлигини ўзи ҳам буни исботлайди.

Бу эса Конституцияда кўрсатилган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг асосий вазифаси эканлигини яна бир бор таъкидлаб, уларнинг давлат томонидан кафолатланиши ҳамда суд қарорисиз улардан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини яна бир бор таъминламоқда.

Конституциямиз – жаҳон маданиятининг юридик хазинаси, жаҳон халқлари тарихининг бир элементи сифатида қолади, чунки унда буюк алломаларимиз, жаҳон илмининг буюк намояндalари, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиновий, ат-Термизий, буюк сиймоларимиз Амир Темур, Абулайс Самарқандий ва кўпгина мутафаккирлар руҳи ва асарлари бизни янада бу хазина ва меросларни ўрганишга ва авайлаб-асрашга ҳамда доимо улуғликка чорлайди.

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2007 йил. 14-15 ноябр.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 47-бет.

<sup>3</sup> Истикбол йиллари: Миллий-диний кадриятнинг халққа қайтиши (Наманган). Тошкент, 2001.

## ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни ҳақида сўз юритар эканмиз, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга, сиёсий ҳуқуқлар ва ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларга яна бир марта кенг ва атрофлича тўхталишни лозим топдик.

Конституциямизнинг 7-боби шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга қаратилган бўлиб, у ўз таркибига 24-31-моддаларни олади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон эркинлигининг асосий жабҳаларини қамраб олиб, кишининг жамиятдаги турмуши, яшаш тарзини ва фаолият кўрсатиш асосларини ифодалайди, унинг шахсий ҳаётини, хусусий эркинликларини турли хилдаги аралашувдан ҳимоя қилади.

“Ушбу турга кирувчи субъектив ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳим фарқи шундаки, улар кишининг индивидуал ҳаёти эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг ўзлари томонидан мустақил амалга оширилади. Улар ўз моҳияти билан инсон, яъни ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари ҳисобланиб, уларнинг қайси давлатнинг фуқаролигига мансуб эканлиги билан боғлиқ бўлмайди; шахснинг мазкур ҳуқуқлари дахлсиз ва ҳар бир шахс уларга туғилиши биланок эга бўлади”<sup>1</sup>.

Мазкур бобдаги қоидалар 8 моддадан иборат бўлиб, уларда куйидаги ҳуқуқ ва эркинликлар ифода этилган: яшаш ҳуқуқи ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, шахсий ҳаётга аралашивдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва бошқалар. Конституциядан ташқари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар қатор бошқа қонунларда ҳам қафолатланган. Мазкур қонунлар тизимига бир қатор кодекслар (жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал ва бошқа кодексларни ки-

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари: ўқув кўланмаси. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 104-бет.

ритиш мумкин) ва амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни алоҳида кўрсатишимиз лозим.

Конституциянинг 2-моддасида “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деган қоида конституциявий даражада мустақкамланиши – шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларни тубдан янгича кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

Конституциямиз “Шахс – жамият – давлат” кадриятлари устуворлигини белгилаб беради ва конституция асосида қабул қилинган қонунлар, айниқса, шахс манфаатларини устувор даражага кўтариш мақсадида фаолият кўрсатади. Шунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ҳуқуқларни тиклаш давлат сиёсатининг муҳим қисмига айланиши керак. Жамиятнинг инсонпарварлиги, демократиявийлиги, энг аввало, унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб бериш ва қафолатлашида намоён бўлади. Айнан шундай ҳуқуқ ва эркинликларнинг энг муҳими шахснинг яшаш ҳуқуқи – узвий ҳуқуқ бўлиб, бу олий кадриятни Конституциямиз юридик жиҳатдан мустақкамлайди. “Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлаб беришдан иборат”<sup>1</sup> дир.

Мазкур ҳуқуқнинг қафолатланиши давлат ҳамда барча жамоат тузилмалари фаол ҳаракатларининг кенг доирасини, ҳар бир мавжуд муҳитини, турмуш шароитини ўз ичига олади. Яшаш ҳуқуқи – энг юксак кадрият ҳисобланиб, унга ҳар бир инсон ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсидан қатъи назар эга бўлади.

Ҳар ким яшашга ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, унинг эркинлиги бузилмасдир. Бу ҳуқуққа аралашинга ҳеч қачон йўл қўйилмайди. Бу ҳуқуқ инсоннинг туғилиши билан вужудга келувчи, унинг биологик мавжудлигини таъминловчи ҳамда давлат томонидан муҳофаза этилувчи ҳуқуқ.

Бу ҳуқуқ – табиий ҳуқуқ бўлиб, инсон ҳаётининг таъминлашини ўз таркибига олади.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бу – ҳар бир инсон

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. 73-бет.

туғилиши билан қўлга киритадиган, ҳар ким эркин, ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилувчи ўзганинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етказмайдиган тарзда юриш-туришни танлаш имкониятини берувчи ҳуқуқдир.

Шахсинг эркинлиги жамиятдаги ахлоқ меъёрлари, урф-одат нормалари, яшаш қоидалари доирасидан чиқмаслиги керак. Албатта, урф-одат, яшаш қоидалари мажбурий эмас, лекин инсон эркинлиги жамият нормаларига мос келиши лозим. Республикамиз Конституциясининг 20-моддасида таъкидланганидек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Шунингдек, инсон манфаатлари юқори туриши ва бу манфаат улар бўйича давлат ҳимоясида эканлигини унутмаслик лозим.

Кўпчилик, юқори даражали ривожланган давлатлар қатори Ўзбекистон фуқаролари ҳам суднинг қарорисиз ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодексининг тегишли моддалари асосида ҳал қилинади<sup>1</sup>.

Айниқса, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”, деб кўрсатилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида “Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқи эканлиги кўрсатилган. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”<sup>2</sup>, деб мустаҳкамланган - Республикамиз ушбу халқаро ҳужжатларни эътироф этган ҳолда, ўзининг Конституциясида мазкур қоидаларни мустаҳкамлаган. Унинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”<sup>3</sup>, деб белгиланган. Фуқароларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш, шу жумладан, ижтимоий хавфли тажовузлардан муҳофаза қилиш давлатнинг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995, 2-сон.

<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 10-моддаси (1948 йил 10 декабрь). Ўқув қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Тошкент: Адолат, 1992. 13-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 24-модда.

Шахснинг яшаш ҳуқуқи республикамизнинг бошқа қонунлари билан ҳам муҳофаза этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида шахснинг ҳаётини муҳофаза қилишга устуворлик берилган. Унинг 97-моддасида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган эди ва жазо сифатида 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳамда олий жазо – ўлим жазоси мавжуд эди. Лекин бу жазо тури давлатимизда фақатгина ўта хавфли жиноятлар учун белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармониға биноан (фармон эса 2008 йил 1 январдан кучға киритилган) ҳамда бу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида мустақкамланиб, ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилди<sup>1</sup>.

Яшаш ҳуқуқини кафолатлаш учун унинг соғлиғини сақлаш муҳимдир. Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тизимлари, давлат тизими асосида хусусий тизимларға бўлиниб кетди.

Бари бир қандай тизим бўлмасин Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августида қабул қилинган “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни билан ҳамда қонун ҳужжатлари ва бошқа Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномалар билан тартибға солинади.

Инсонларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш ва муҳофаза этишда жиноят қонунчилиғи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳаракатдаги жиноят кодекси махсус қисмининг ¼ га яқин нормалари бевосита фуқароларнинг ҳаётиға зиён етказилганлиғи учун у ёки бу даражада жавобгарликни кўзда тутади<sup>2</sup>. Шахсий ҳуқуқлардан яна бири Конституциямизнинг 26-моддасида кўрсатилган, яъни Жиноят содир этилганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсға ўзини ҳимоя қилиш учун шароитлар таъминлаб берилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2005 йил. 2 август.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Масъул муҳаррир: А.А. Азизхўжаев. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғи, Тошкент давлат юридик институти. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 134-135-бетлар.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ушбу моддада таъкидланган конституциявий нормаларни таҳлил қилиш учун айбсизлик презумпцияси (айбсизлик презумпцияси ҳуқуқига тааллуқли) тушунчаси нима ва уни қачон қўллаш мумкин. Яъни айби исбот қилингунча шахсни айбсиз деб фараз қиламиз.

Шахсни айбсиз деб топиш учун далилларга асосланган ҳолатларни, тўплаш, текшириш ва баҳолашни амалга ошириш лозим. Далилларни баҳолаш суд органлари томонидан амалга оширилади уни айбдор деб топиш далилий асос ҳамда жиноят кодексида кўрсатилган ҳуқуқий асослар мавжуд бўлгандагина ва суд қарори асосида айбдор деб топилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки шубҳа қилинаётган шахс юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Юридик ёрдамни Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ги қонунга асосан олиши мумкин.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда ҳамда 1984 йил 10 декабрда “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийлик ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши халқаро конвенция”ларнинг барчасига қўшилди. Бу нормалар Ўзбекистон Республикаси қўшилган Конвенциялар қарорлари ҳамда Жиноят Кодекси, Жиноят-процессуал Кодекслари билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда ҳар бир шахс ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳамда фуқароларимиз шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиши ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Бу нормалар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни тўлиқ таъминлашга ва кафолатлашга қаратилган.

Ҳар бир шахс эркиндир. У шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Қонунларда кўрсатилмаган асослардан ташқари ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Фуқароларнинг ҳуқуқлари



факат суд қарорлари асосида чекланиши мумкин. Бу қоидалар Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг нормаларига тўлиқ асосда мосдир. Бу фикрлар, қоидалар ва ҳуқуқлар яна бир маротаба юртбошимизнинг “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонида таъкидланди. Конституциямизнинг бошқа давлатлар Конституцияларидан фарқига эътибор берар эканмиз, аввало бизнинг Конституциямиз туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳужжатдир. У Фармон мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ишлар кўламини янада кенгайтириш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади.

Айниқса, Конституциямизнинг 31-моддасига эътиборни қаратайлик: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”<sup>1</sup>.

Барчамизга маълумки, истиқлолдан аввал виждон, эътиқод эркинлиги қаттиқ чекланган эди. У ёки бу динга эътиқод қилган шахслар учун нафақат шароит, балки ўз эътиқодини ошқора амалга ошириш аянчли оқибатларга олиб келган. Мустақиллик шарофати билан кишиларнинг виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи тўлиқ тан олинди. Бунинг учун тегишли шарт-шароитлар, ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилди. Ҳозирда мамлакатимизда 18 та диний конфессия эркин ва тўлақонли фаолият кўрсатмоқда. “Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини ва эътиқод эркинлигини таъминлашимиз керак”<sup>2</sup>, – деб таъкидлайди Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида. Мана шу юкорида берилган ҳуқуқлардан ҳар йили ҳукуматимизнинг бевосита ва ҳар томонлама кўмагида диндорлар муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлмоқдалар. Мустақиллик йилларида 50 минг нафардан зиёд ватандошларимизнинг ана шундай эзгу орзулари рўёбга чиқди. Шунингдек, малакали диний таълим олиш тизими ҳам йўлга қўйилиб, у Тошкент Ислом университети, 10 та мадраса ва православ ҳамда протестантлик семинарияларини камраб олади. Мазкур амалий ишлар ҳам Декларациянинг 18-моддасида белгиланган ҳар бир инсоннинг фикр, виждон ва дин эркинлиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 31-модда.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. 79-бет.

хукукининг амалий ижроси ҳисобланади.

Умуман, мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари ўзаро узвий, чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, кадр-қиммати, дини ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди. Инсон ҳуқуқларининг изчил тизими ташкил топди ва у босқичма-босқич ривожланмоқда.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқлар субъектив, яъни ҳар бир шахснинг ўзи билан биргаликдаги ҳуқуқларидир. Уларни бошқа шахсларга ўтказиб ёки бериб бўлмайди. Улар ҳеч қандай баҳо, эквивалент, қийматлар билан ўлчанмайди. Улар фуқаролик ҳуқуқи фанининг бир қисмини ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 12- моддасида шахс номуси ва шаъни дахлсиздир ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган халқаро Пактнинг 17-моддасининг 1-қисмида ҳам бу ҳуқуқларга тўхталиб ўтилган.

Айниқса халқаро Пактда “Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиш, унинг уй-жойи дахлсизлигига ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиши мумкин эмас, деб тўлиқ асосда таъкидланиши Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг мантикий давомидир.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги – шахснинг туғилиши, яъни ҳуқуқий лаёқатига эга бўлиши билан вужудга келадиган, ҳеч кимнинг аралашишига йўл қўйилмайдиган мутлақ ҳуқуқ бўлиб, инсоннинг ҳаётий турмуш тарзидир.

Бу ҳуқуқ барча ҳуқуқий соҳалар билан қўриқланади, ҳимоя қилинади.

Шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлашда судлар ҳам суд процессини ёпиқ тарзда олиб бориши мумкин. Ёки “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ адвокат адвокатлик сирини сақлашга мажбурдир<sup>1</sup>. Худди шунингдек шифокор ҳам ўз сирини сақлашга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни. 9-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997, 2-сон.

Бу ваколатлар қуйидагилардан иборатдир:

1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 13-моддаси орқали;
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш тартиби ва Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспорти тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш” ҳақидаги қарорлар ҳамда халқаро конвенциялар, Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан чет элларда ишлаш учун тузилган шартномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида.

Ўзбекистон фуқаролари чет элларга шахсий, жамоат ишлари билан, доимий яшашга, сайёҳ сифатида, ўқишга, ишга, даволанишга ва хизмат сафарларига чиқишда эркиндир.

Баъзи тоифадаги шахсларнинг чет элларга чиқишлари ички ишлар органлари қарорлари асосида ёки тузилган шартномаларнинг лозим даражада бажарилиши тўлиқ амалга ошмаган ҳолатларда, ҳарбий хизматга қақириладиган асосларни эътиборга олиб, уларнинг ҳуқуқлари бироз чекланиши мумкин:

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши учун тўсқинликлар учраса, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг тегишли қоидалари қўлланилади.

Бу Қонунга мувофиқ, фуқаролар чет элга чиқиш ҳуқуқининг рад этилиши ҳақида тегишли давлат идора органларига мурожаат қилиш ва бир ойгача муддат мобайнида тегишли жавобни олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу қабул қилинган ҳужжатлардан норози бўлган томонлар судга шикоят қилишлари мумкин.

Конституциямизнинг 29-моддасида: Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Бу номулкый характерга эга бўлган шахсий ҳуқуқлар демократик давлатларда мавжуд бўлади ва давлат томонидан қафолатланадиган ҳуқуқлардир.

Инсонпарвар бўлган демократик жамиятда ҳар бир инсон ва

фуқаролар ўз эътиқодига асосланиб, жамиятни ва давлатни бошқаришда ўз ваколатини амалга оширади. Улар ўз фикрлари, мулоҳазаларини ўзи истаганча эркин баён қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир шахс маълум ходисаларга, ҳукуратимиз қарорларига барча ҳужжатларга ўзининг шахсий баҳосини айта олиш, давлат органларининг ёки мансабдор шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг камчиликларини танқид қилиш ва уни ҳал этиш йўллари хам тавсия қилиш, кўрсата олиш ваколатларини амалга оширади. Шу асосда давлатни бошқаришда ўз ҳиссаларини кўшадилар.

Фикрлаш эркинлиги ҳамма инсон ва фуқароларга хос бўлиб, эркин сўзлайди ва ўзи фикрларини бошқа шахсларга ҳавола этади.

Сўз эркинлиги кўпроқ оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Бу ваколатлар кўпинча “Оммавий ахборот воситалари”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”га, “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонунлари орқали тартибга солинади.

Конституциямизнинг 30-моддасида эса барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб бериши лозим.

Бу нормалар кўпроқ фуқаролик, меҳнат ва ҳўжалик ҳуқуқлари ва бошқа соҳалар билан хам боғлиқ. Юқорида айтилган тушунчалар, муносабатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига бевосита боғлиқликни талаб этади.

Фуқаролар ўз мурожаатларини ёзма ёки оғзаки шаклда кири-тадилар. Улар якка тартибда ёки жамоа томонидан хам берилиши мумкин.

Виждон эркинлиги – ҳар бир шахснинг мутлақ ва ажратиб бўлмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқидир. У қуйидаги ҳуқуқий асосларга эга:

---

<sup>1</sup> “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 26 декабр // Тўртинчи ҳокимият. Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

<sup>2</sup> “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1994. 8-сон.

<sup>3</sup> “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1994. 8-сон.

1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 18 ва 19-моддалари.

2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси.

4. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) ва бошқа норматив ҳужжатлардир.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 3-моддасида белгиланишича, виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди<sup>1</sup>. Худди шунингдек, бу қоидалар Ўзбекистон ҳудудида яшаб келаётган, фаолият кўрсатаётган чет эл фуқароларига ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар уларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўлиқ кафолатланади. Улар учун чеклашлар ёки имтиёзлар белгилаш, душманчилик ва адоват уйғотиш, уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунларда белгиланган жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ҳеч қандай вазифаларни бажаришни юкламайди, уларнинг қонунга зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Диний ташкилотлар жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан (қисман бўлсада ҳам) “Жамоат бирлашмалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларига биноан “диний ташкилотлар” жамоат бирлашмалари қаторига киритилиб, ушбу қонунларга биноан “ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар,

<sup>1</sup> “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. 5-6 сон. 99-модда.

нодавлат нотижорат ташкилотларига, шу жумладан, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан, агар уларнинг ташкил этилиши ҳамда фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қўлланилади”<sup>1</sup>, деб кўрсатилган.

Мана шу қоидаларнинг мавжудлиги жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг вужудга келиши ҳамда диний эътиқод эркинлиги, ихтиёрийлиги, улар фаолиятига давлатнинг аралашмаслиги, вужудга келиш асослари ва бошқа принциплари диний ташкилотларнинг фаолияти билан жуда ўхшаш бўлганлиги учун, уларни жамоат бирлашмаларининг ўзига хос бўлган бир тури деб ҳисобласак мақсадга мувофиқдир<sup>2</sup>. Умуман, мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари ўзаро узвий, чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар ўзбек халқига ўз юртида ва жаҳон халқлари ўртасида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарининг кадр-қиммати, дини ва эътиқодидан фахрланиб яшамоқликни насиб этди.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА**

Давлатимиз Конституциясининг VIII боби сиёсий ҳуқуқларга бағишланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида уларнинг сиёсий ҳуқуқлари алоҳида ўринни эгаллайди, чунки бу фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаол иштирокини таъминлайди. Бу ҳуқуқлар сиёсий манфаатларни ўз таркибига олиб, фуқароларнинг сиёсий жараён орқали давлат ҳокимияти органларини бошқаришдаги фаол ҳаракатидир.

Ўзбекистоннинг 17 йиллик истиқлол даврида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи сиёсий-ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун. 1991 йил, 15 феврал.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент шаҳри. 2007 йил, 3 январь // Халқ сўзи. 2007 йил, 4 январь.

кафолатлар тизими яратилди ва бу тизимнинг доимий ривожланиб бориши давлатимизда ўзига хос демократик принципларга асосланган, махсус сиёсий-ҳуқуқий макон пайдо бўлишининг далилидир.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилди<sup>1</sup>. Республика Асосий Қонунига асосланиб бир қанча қонунлар, 1992 йилдан бошлаб, мамлакатимизда сиёсий соҳага оид бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Булар жумласига: "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги<sup>4</sup>, Ўзбекистон Республикасида "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги<sup>5</sup>, "Ўзбекис-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 32 – 35-моддалари. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994, 5-сон. 127-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. 2-сон, 36-модда; Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, 337-1-сонли Қонунига 13-модданинг иккинчи қисми ва 13 - моддаси парламент кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши ҳамда 14-моддасининг қисмига "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган Қонун билан ўзгартириш киритилди.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 183-модда. 1995. 9-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасида "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 76-модда. 1991. 4-сон.

тон Республикаси референдуми тўғрисида"ги<sup>1</sup>, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида"ги<sup>2</sup>, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги<sup>3</sup> Қонунлар ва бошқалар.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш куйидагиларга боғлиқ:

– давлатнинг мамлакат миқёсида олиб бораётган сиёсатининг мақсадига;

– сиёсий плюрализмга;

– сиёсий мафкурага;

– инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолатига;

– фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишига;

– оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади<sup>4</sup>.

Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали қатнашади.

Бу ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунлардир<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001. 9-10-сонлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолати тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 344-модда. 1992, 9-сон.

<sup>3</sup> "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрирда) қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003. 9-10-сонлар. 132-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 32-модда; "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. 5-сон. 110-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994, 5-сон, 127-модда; "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992, 1-сон.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида таъкидланганидек, “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади”<sup>1</sup>.

Референдум Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ўтказилади ва у сайловлар билан бир каторда халқ эрки ва иродасининг бевоситаси ифодасидир. Референдум томонидан қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, ўзига хос хусусиятга эгадир, яъни бу қарорлар фақат референдум орқали бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бу мутлақ ҳуқуқдир.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида эришилган барча ютуқ ва камчиликлари сарҳисоб қилиниб, икки палатали парламентга ўтиш қатъий мақсад сифатида белгиланди. Икки палатали парламент тизимига ўтишга халқнинг розилигини билиш учун 2002 йилнинг 27 январида умумхалқ референдуми ўтказилди. Шундан кейин иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учта сессияси давомида умумхалқ иродасини ифодалаган “Референдум яқунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги<sup>2</sup> ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги<sup>3</sup> Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Янги типдаги парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун сайловни ташкил этиш ва демократик асосда уюшқоқлик билан ўтказиш вазифасини Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юклади.

2004 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 9-модда.

<sup>2</sup> “Референдум яқунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2002. 7-сон.

<sup>3</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2003. 9-10-бетлар, 67-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2007.

қарори қабул қилинди. Унга кўра икки палатали парламентга сайлов 2004 йилнинг 26 декабрь кунига белгиланди ва юқори савияда ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ниҳоятда фаол ташкил этди. Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 участка сайлов комиссияси тузилди.

Айниқса, 2007 йил 23 декабрь кунини ўтказилган Ўзбекистон Президентлигига сайлов – Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган катта сиёсий қадам бўлди.

Албатта, ҳар бир фуқаро ўз истагига қараб номзодларни танлаб, унга овоз беради. Бизнинг фикримизча, келажак сайловларда овоз бераётган пайтда халқимиз ҳар бир номзоднинг дастурларидан келиб чиқиб қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим.

- Мамлакатимизнинг барча соҳалар бўйича барқарорлигини, хавфсизлигини ва мустақиллигини таъминлай олишликка;

- Давлатлараро бўлган муносабатларда Ўзбекистоннинг мустақил, суверен давлат эканлигини эътироф эттириш;

- Ўзбекистоннинг толерант, яъни юксак бағрикенглигини ва инсонпарварлигини ва демократик йўлдан кетаётганлигини.

Пировард мақсади “кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари” қадам қўяётганлигини жаҳон давлатлари олдида исботлаб бера олишлигига ҳамда биз жаҳондаги давлатлардан қолишмаслигимизни, ҳатто XI асрдан то XV-XVI асрларгача жаҳон маданияти, илми, санъати, ривожиди бизнинг буюк мутафаккирларимиз ҳиссаси катта эканлиги ёки БМТ томонидан ўзбек мутафаккирлари, олимлари, донишмандлари юбилейларини мунтазам равишда нишонланишини назарга олиб, уларни кадрлай оладиган, донишманд раҳбарни сайлаш ва унга имконият яратиб беришга эътиборни қаратишимиз керак.

Айниқса, бу жараёнда жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялар маълум сиёсий манфаатларни, мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган ижтимоий фаолият олиб борадилар. Бу фаолият асосида унинг турли аъзоларининг манфаат ва мақсадлари ётади. Айниқса, Жамоат бирлашмалари барча фуқароларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этиш ва уни ҳаётга татбиқ қилишга;

- фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида қатнашиши ва ўз-ўзини бошқаришини ривожлантиришга;

- ўзларининг касб-корига кизиқишларини кондириш, илмий, техникавий ва маданий ижодкорлигини ривожлантиришга;

- аҳоли соғлигини ҳимоя этиш, саховатини кучайтириш ва кенг такомиллаштиришда фаол қатнашишга, тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб-асрашга;

- инсонпарварлик ва ватанни севмоқ тарбиясини сингдиришга;

- республика худудидида ва халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш ва қонун йўли билан таъқиқланмаган бошқа фаолиятларни амалга ошириш мақсадлари асосида ўз фаолиятларини кенг даражада амалга оширишларига катта умид боғлаш лозим.

Ҳар бир давлатдаги каби Ўзбекистон Республикасининг ҳам асосий функциялари қаторига (бу давлатнинг ички функцияси) ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан ҳимояланиши ва кафолатланиши киради. Айнан, шу муҳим масалага Конституциямизнинг 13-моддаси бағишланган бўлиб, унга биноан “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-киммати ва бошқа дахлсизлик ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”<sup>1</sup>.

Бу ҳолатни ойдинлаштирувчи қондалар Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунида ҳам мавжуд, жумладан, қонуннинг 5-моддасига асосан “Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайди ва Конституция уларнинг низомларида белгиланган вазифаларни ҳал этувчи кафолатларни яратади”.

“Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади”<sup>2</sup>. Юқорида номи тилга олинган уч мезоннинг асосийси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 13-модда.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 181-бет.

– шубҳасиз, аҳолининг давлатни бошқаришдаги қатнашиш даражасини белгилайди.

Конституциямизнинг 32-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”<sup>1</sup>.

Бевосита демократия орқали давлатимиз фуқаролари жамият ва давлат бошқарувига доир муаммоларни ҳал этишда, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан иштирок этмоқдалар. Уларнинг бундай иштирок этиши оммавий ахборот воситалари – босма нашрлар, телевидение, радио орқали амалга оширилади. Мазкур ҳолат Асосий Қонунимизда ва бир қатор Конституциявий қонунларда, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлардан аниқ ва самарали фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқмоқда.

Бевосита демократия фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётига доир масалаларни халқнинг кенг муҳокамасига ва умумий овозга (референдумга) кўйилишни ҳам ўзида акс эттиради.

Демократиянинг асосий шаклларида бири бу – давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларининг умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиши – референдум ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқ ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладилар.

Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлашда аввало ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимояси махсус ваколатга эга бўлган одил ва малакали суд томонидан амалга оширилади, ғайриқонуний бузилган ҳақ-ҳуқуқлар қонуний йўллар билан тикланади. Суд ўз фаолиятини амалга оширганда бетараф бўлади ва шахслар ҳар доим суд ҳимоясидан фойдаланадилар.

Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ўз аксини топган. “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 32-модда.

эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”<sup>1</sup>.

Бу норма Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 август “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги<sup>2</sup> Қонунида ҳам тўла ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, бизнинг фикрларимиз исботи сифатида “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”<sup>3</sup>ги Конституциявий Қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган бўлиб, 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди.

Ушбу қонуннинг мақсади, Қонуннинг 1-моддасига асосан, “давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат”<sup>4</sup>.

Сиёсий партияларнинг муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиқиб, уларнинг бошқа ижтимоий-сиёсий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 44-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. 9-сон, 183-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)” тузатишлар киритиш тўғрисидаги Қонулар // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Судининг ахборотномаси. 2007. 15-сон. 17–22-бетлар.

<sup>4</sup> “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)” тузатишлар киритиш тўғрисидаги Қонулар // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Судининг ахборотномаси. 2007, 1-модда.

қатламларига бўлган муносабатларини, жамият ҳаётидаги тутган ўрнини, мавқеини белгилаш зарурияти ва эҳтиёжи қонуний-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келмоқда.

Ўзбекистоннинг ички сиёсий муносабатлари майдонида энг ёш, фаол бўлган ва 2003 йил 15 ноябрдаги Ўзбекистон “Либерал-демократик партияси”нинг таъсис қурултойи қарори асосида ташкил топган бу партия 2004 йилдаги Парламент сайловларида ҳамда 2007 йил Президент сайловларидаги муваффақиятлари асосида Ўзбекистоннинг етакчи партияларидан бири деб эътироф этилишига сазовор бўлмоқда. Бу партиянинг асосий мақсади – партия ўз электорати аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун даражасига кўтариб, уларни ҳимоя қилиш орқали Ўзбекистон давлатини иқтисодий жиҳатдан энг юқори тарзда ривожланиб келаётган давлатлар билан тенглаштиришдир.

Ҳар бир жамиятда мавжуд бўладиган ижтимоий-сиёсий таркибий элементлар (тузилишлар) бир-бирлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солишда вужудга келадиган, ўзгартириладиган ва баъзи ҳолларда тугатиладиган ҳуқуқий муносабатларни регламентлаштириш зарурияти замон талабларидан келиб чиқмоқда. Албатта, бу зарурият Конституциявий асосда ёки бошқа мамлакатларда ўзига хос ва мос усулда ҳуқуқий тартибга солинган.

Ўзбекистонда эса энг юқори даражада ўз Конституциясида уларнинг сиёсий партияларга уюшишнинг қонуний-ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Ҳатто биргина Конституциямизнинг ўзида сиёсий партия тушунчаси 11 марта ишлатилган.<sup>1</sup>

Яъни, “Жамоат бирлашмалари” тўғрисидаги XIII бобда, “Халқ ҳокимиятчилиги” (II боб, 10-модда), “Сиёсий ҳуқуқлар” (VIII боб, 32 – 34-моддалар), “Суд ҳокимияти”га бағишланган XXII бобнинг 106, 108, 112-моддаларида сиёсий партияларга уюшишнинг қонуний-ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган<sup>2</sup>. Бу масалалар Конституцияга берилган шарҳларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1995 йил нашр этилган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳда: “Сиёсий партиялар ўз аъзоларининг иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда иштирок этувчи, шунингдек, ҳокимият органларига қонуний тарзда сайланган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишни мақсад

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

қилиб қўювчи жамоат бирлашмасидир”<sup>1</sup>, деб ёзилган бўлса, 2001 йилги шарҳда эса: “Сиёсий партия – қарашлари, манфаат ва мақсадлари муштараклиги асосида ташкил этилган, маълум гуруҳларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги сиёсий иродасини ифодаловчи, давлат ва жамият ишларини бошқаришда ўзининг вакиллари орқали иштирок этувчи, ихтиёрий равишда бирлашган, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уюшмасидир”, дейилган. Иккала шарҳ таққослаб кўрилса, сиёсий партияларнинг таърифланган мақсад ва вазифалари мазмунан умумий бўлиб, фақат 1995 йилги шарҳда “жамоат бирлашмаси”, 2001 йилги шарҳда эса “фуқаролар уюшмаси” деган иборалар ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Бу иборалар маъносига кўра бир-бирига яқин бўлса-да, лекин “жамоат бирлашмаси” тушунчаси “фуқаролар уюшмаси” тушунчасидан кенгрок.

Бу қонун сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги родини кучайтиришга қаратилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сиёсий партиялар кимлар?

“Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгиллилар бирлашмасидир”<sup>2</sup>, деб таъриф берилган.

Бу Партияларнинг парламентдаги фракцияларига ҳукуматнинг туган йўлига, муайян сохани ривожлантиришга доир дастурларига ёки уларнинг айрим йўналишларга қўшилмасдан, ўзларини муҳолифат деб эълон қилиш имкониятининг берилиши, давлат ва жамиятнинг демократик ривожланиш тамойилларига мос келади. Ўзларини муҳолифат деб эълон қилган партия фракциялари давлат ва жамият қурилишига доир муқобил дастурларини тақдим этиб, уларни амалга оширишнинг ғоявий-мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш имкониятларига эга деб эътироф қилинган.

Қонун сиёсий партия фракцияларининг, яъни Қонунчилик палатаси депутатларининг фаоллигини оширади, демак, натижада қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлиснинг мавқеи янада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 3-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 310-бет.

муस्ताҳкамланди.

“Сиёсий партия фракцияси – сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир”<sup>1</sup>.

Мазкур қонун бўйича янги норма, яъни “Парламент кўпчилиги” деган тушунча вужудга келади. Яъни бундан кейинги сайловларда кўпчилик овоз олган ва парламентнинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлса, бу сиёсий партия “парламент кўпчилиги мақомига эга бўлади.” Бундан ташқари ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Бу шарҳларда “жамиятимиз ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаолликни янада ошириш, фақат халқ иродасига, фуқароларнинг ўтказилаётган ислоҳотлардаги фаол иштирокига, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни тушуниши ва қўллаб-қувватлашига”, шунингдек, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш мумкин”лиги қонуннинг асосий мақсади қилиб белгиланган. Бу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ғоявий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишнинг янги усул-воситаларини тақозо қилади.

Қонуннинг новелларидан яна бири сиёсий партия тушунчаси, уларни ташкил этиш тартиби, ваколатлари, мажбуриятлари ва энг муҳими янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сиёсий муҳолифатнинг ўрни, унинг зарурияти тўғрисида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов батафсил тўхталиб: “**Муҳолифат**” деган тушунчанинг асл маъносини аниқ англаб олишимиз лозим. Биз сиёсий муҳолифатни муқобил муҳолифат сифатида тушунамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли, муҳолифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислоҳотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгилианиш

<sup>1</sup> Ўша жойда.



йўлидан олга бориши бўйича муқобил дастурларини таклиф этишга қодир, амалий муҳолифатни назарда тутамиз...

Биз расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган муҳолифатни кўришни истаймиз”<sup>1</sup>, деган эди.

Сиёсий партиялар фракцияларининг парламентда фаоллигини кучайтириш – партия аъзолари сиёсий фаоллигини ошириш билан узвий боғлиқдир. Чунки ҳар қандай партия ташкилоти фракцияларда фаолият кўрсатаётган депутатлар (улар партия эмас, балки партияларнинг давлат бошқарувидаги вакиллари сифатида) фаолиятини кундалик назорат қилиб туриш, зарур пайтда сиёсий вазиятни оператив мувофиқлаштириш имкониятига эга бўлиши лозим. Негаки, муайян партия фаолиятига унинг Олий Мажлиснинг қуйи палатасининг ташкил этилган фракцияси қандай ишлаётганлигига, яъни партиянинг мақсадларини, вазифаларини амалга жорий этишларига қараб ҳолисона баҳо бериш мумкин.

Сиёсий партиялардан ХДП фракцияси ўзини Парламентдаги кўпчиликка нисбатан муҳолифат деб эълон қилди. ХДП фракциясининг бу позицияси ўзига хос муҳолифат мактабини яратишга хизмат қилди.

Муҳолифат фақат Парламентдаги кўпчиликка қаратилган. У ўзини ҳукуматнинг тутган йўлига ва дастурига муҳолифат деб эълон қилмади. Жаҳон мамлакатлари ўртасида муҳолифат тушунчаси мавжуд ва у кўп қўлланилиб келинади. Лекин улар ҳам сиёсий муҳолифатни фақат сайловлар вақтида амалга оширадilar. Айрим давлатларда сиёсий партиялар сайловларда кўпчилик овозни олса, улар дарров ҳукуматни тузади ва енгилган партия эса механик асосда муҳолифат партия бўлиб қолаверади. Ҳатто муҳолифат партиялар ўзларининг норасмий ҳукуматини ҳам тузишлари мумкин.

Муҳолифат, сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар, айниқса, фуқаролик жамияти муаммолари билан қизиқувчи олимлардан М. Қирғизбоев фикрича: “Илғор демократик давлатларда сиёсий муҳолифат ҳокимият тепасига келган сиёсий партиянинг ҳукумат таркибида фаолият кўрсатиши учун ҳалал бермайди, шунингдек,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. 2-сон. 36-модда.

ҳокимият учун фақат сайловлар давридагина курашадилар. Сайловларгача бўлган даврда муҳолифат ўз жамиятининг ижтимоий ва сиёсий барқарор бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб боради. Ҳеч бир мамлакатда ҳукумат ва органларига бўлган сайловларгача даврда сиёсий муҳолифатнинг ҳокимият учун курашишига йўл қўйилмайди. Бунда “сиёсий муҳолифат”ни давлат ҳам, халқ ҳам инкор этади<sup>1</sup>.

Лекин, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиёти бир жойда турмайди, улар доимо ривожланишда. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, “сиёсий партияларнинг ҳокимият учун “фақат сайловлар давридагина” деган тушунчани кенгайтириш лозим.

Чунки сиёсий партиялар фаоллиги – Парламент фаоллигидир. У фаоллик мавжуд сиёсий тизимни такомиллаштириш учун асос бўлади.

Конституциямизнинг 33-моддасида Фуқаролар сиёсий ҳуқуқлар тизимида фуқароларнинг ўз фаолликларини митинг, намойишлар тарзида намоён қилишлиги кўрсатилган. Давлатимизнинг 17 йил давомидаги тараққиёти шуни исботладики, бирорта сиёсий соҳада митинглар ва намойишлар ўтказилгани йўқ. Бу эса давлат сиёсатининг тўғри ва аниқ амалга оширилганлигининг исботидир.

**Митинг** – бу бирон-бир масалалар муҳокамаси учун йиғилган жамоа йиғилишидир.

**Йиғилиш** – бу ёпиқ иморатда ёки бирор хонада ўтказиладиган маълум бир масалаларни муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш учун йиғилган шахсларнинг мажлисидир.

**Намойиш** – бу ижтимоий-сиёсий норозиликнинг очик кўриниши бўлиб, намойишчиларнинг у ёки бу масала бўйича оммавий тарздаги очик муносабатларидир. Намойиш, асосан, митинг билан бошланади ва тамом бўлади.<sup>2</sup>

Ҳаракатдаги қонунларимиз асосида ҳокимият органларига митинг, йиғилиш ва намойишларни ўтказиш фуқаролар, жамият ва давлат хавфсизлигига таъсир қиладиган ёки оммавий тартибсизликлар келиб чиқишига сабаб бўладиган тақдирда, ёхуд хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа ҳолларда бу ҳаракатларни тўхтатиш ёки тақиқлаш ваколати берилган.

<sup>1</sup> Кирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафқуралар, маданиятлар. Тошкент: Шарқ, 1998. 138-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. ТДЮИ. Тошкент: Молия, 2002. 271–272-бетлар; Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Масъул муҳарир: А.А. Азизхўжаев. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

## ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

“Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари доирасида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади. Бу ҳуқуқлар инсон фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг яширин, очилмаётган имкониятларини юзага чиқаради, пировардида уни оддий инсондан шахсга айлантиради”<sup>1</sup>. Бу ҳуқуқлар Конституциямизнинг 36-моддасидан то 42-моддасигача ўз таркибига олади. Шундан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36 – 38-моддалари бевосита шахснинг иқтисодий ҳуқуқларига бағишланган. Жумладан, Конституциянинг 36-моддасига мувофиқ “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”, дейилган. Ушбу норма биринчи бўлиб Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 17-моддасида ўз мазмунини тўлиқ топган эди. Дастлабки бу норма 1963 йил 23 мартда қабул қилинган ва 1964 йил 1 январдан кучга киритилган Гражданлик Кодексининг 121–123-моддаларида, кейинчалик эса 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни ҳамда ҳозирги ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 164–233-моддаларини ўз ичига олади. Лекин собиқ Иттифок даврида гражданлар номигагина мулкдорлик ҳуқуқига эга эдилар. Лекин Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрсатилган 36-модда фуқароларга энг катта имконият берди, яъни ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга бўлди<sup>2</sup>. Мазкур норманинг қонун йўли билан мустаҳкамланиши ижтимоий тараққиётга кенг йўл очиб беради.

Конституциямизнинг 53 – 54-моддаларида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти шаклланиб бориш жараёнида мулкчиликнинг турли шакллари юзага келмоқда. Бу жараён Ўзбекистонда ҳам бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби мулкдорлар синфининг вужудга келишига асос бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бозор иқтисодиётига

<sup>1</sup> Зокиров И.Б. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар. Тошкент, 2002. 8-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 36-модда; “Фуқароларнинг банкдаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил. 5 апрель Қонуни.

Ўтиш босқичини кечираётган бошқа қўшни давлатларга нисбатан, Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон, фуқароларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлаш мақсадида давлат томонидан мулкдорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг тарихий тажрибага эгалиги, ўз навбатида, республикамизда мулкдорлар синфининг тез суръатлар билан шаклланиши ва ривожланишига катта туртки бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида Президентимиз яна бир бор бу масалага эътибор қилиб, **“Биз – хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодийни ривожлантириш тарафдоримиз.**

Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчилигини ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади”<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

Ривожланган, айниқса, Япония, Корея ва бошқа мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мулкдорлар синфини шакллантиришнинг энг оммавий усулларидан бири – кичик ва хусусий корхоналар ва бизнесни ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикасида изчил амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларда мулк ва мулкчиликни ҳуқуқий кафолатлаш масаласи марказий ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишда иқтисодий-ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси асосий ўринни эгаллайди. 2007 йил 27-28 ноябрда Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари” Халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган Фуқаролик Кодексининг 1-моддасиданоқ инсон ҳуқуқларини кафолатлаш амалга оширилганлиги халқаро асосда конференция қатнашчилари Германия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда бошқа давлатлар олимлари томонидан яна бир бор эътироф этилди. Кодекснинг 1-моддаси 1-қисмига мувофиқ, фуқаролик қонун

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.8-том. Тошкент: Ўзбекистон 2000. 338-бет

хужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралashiшга йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларни суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш зарурлиги кафолатланилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 167-моддасига биноан, мулк – хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида намоён бўлади. Фуқаролик қонунчилигига кўра, фуқаролик муносабатларининг ҳар бир субъектининг (фуқаролар, юридик шахслар ва давлат), мулк ҳуқуқининг объектлари бўлган – ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан, бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқини кафолатлайди.

Конституциямизнинг 36-37, 53-54-моддаларида белгиланганидек, республика фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл тадбиркорлари, республикаимизнинг мулкчилик муносабатларида турли хил мулкчилик шакллари воситасида тадбиркорлик фаолиятини юритиб, ўз мулкни амалдаги қонунларга биноан эксплуатация қилишлари, ҳисоб-китоб асосида фойда олиш эвазига хусусий мулкдан фойдаланиш, мулк яратиш ҳуқуқига эгадирлар. Хусусий мулкдорнинг меҳнат қилиш эркинлиги қонунда мустақамланганлигини эътиборга олиб, унга мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида, ёлланма ишчи кучидан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир фуқаро ўзининг меҳнат қилиш қобилияти – ишчи кучини тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа эга, яъни фуқаро ишчи (ходим) сифатида мулкдор ёки иш юритувчи билан ўзаро келишув асосида меҳнат фаолиятини белгилайди. Бундан келиб чиқиб, хусусий тартибда меҳнат қилиш тенг ҳуқуқли эркин келишув асосида ёлланма меҳнатга асосланади.

Фуқаролар мулк ҳуқуқининг мазмуни унга берилган тушунча билан белгиланади, яъни мулкдор фуқароларнинг мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши ҳуқуқлари мулк ҳуқуқининг мазмунини, унинг элементини (ҳуқуқдорлигини) ташкил этади. Бу эса "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддаси 2-бандида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган, ҳар бир шахснинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, яъни мол-мулкни яқка тартибда ўзлаштиришнинг иқтисодий шакли "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси 1-бандида мустаҳкамланган. Унга кўра хусусий мулк эгаси, ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади ва бу эса юқорида келтирилган қонунлар билан кафолатланади.

Мулк жамиятнинг иқтисодий негизи бўлиб, мулксиз унинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бўлиши мумкин эмас. Ана шу қоидалардан келиб чиқиб мулк иқтисодий ва юридик мазмунга эга бўлади.

Мулк – бу ижтимоий муносабатлар ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг маҳсулидир. Ҳатто биз фуқаролик ҳуқуқи предметининг иккинчи қисмини номулкий шахсий характерга эга бўлган ҳуқуқлар ташкил этишини эътироф этсак-да, яъни уларнинг эквивалент, товар, пул шаклларида устуворлигини тан олсак ҳам, лекин мулк (ашёвий) муносабатлар кишиларнинг жамиятдаги мақоми, аниқроғи, ижтимоий-иқтисодий мақоми белгилайди.

Мулкдор бўлиш ҳуқуқи унинг эгасига тегишли мутлақ ҳуқуқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу ҳуқуқни фақат конституциявий кафолатламасдан, балки уни ижтимоий ҳаётда амалга оширишнинг етарли даражада таъминини яратди ҳамда ҳар томонлама ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги ҳар бир шахсда мулкка эгалик туйғусини янада кучайишига ва бу мулкни янада кўпайтириш учун асос бўлмоқда. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир.

Мулк ҳуқуқининг субъектлари – фуқаролар (чет эллар билан боғлиқ фуқаролар Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилсалар), юридик шахслар ва давлатдир. Ҳар бир мулк ҳуқуқининг субъектларига, уларнинг мулкига ҳар хил ҳуқуқий режим ўрнатилади. Бу мулклардан улар мулкнинг тайинланишига қараб қонунлардан, ўз устав ва низомларида кўрсатилган фаолиятнигина амалга оширадилар. Агар юқорида кўрсатилган норматив ҳужжатлардан ташқарига чиқиб, битимлар ёки шартномалар тузсалар, бу тузилган битим ва шартномалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Мулк ҳуқуқининг субъектлари ичида марказий ўринни хусусий мулк эгалари эгаллайди.

Барча мулк шакллари дахлсиздир. Юқорида қайд қилинганидек,

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 167-моддасида мулкнинг икки шакли – хусусий ва оммавий шакли мавжуд эканлиги белгиланган.

Давлат мулк шакллари ривожлантириш учун зарур ҳуқуқларнинг тенглигини таъминлайди ва унинг химоя қилинишини кафолатлайди. Мулк шакллари бундай туркумлаштириш учун мулк субъекти макоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий мезон ҳисобланади. Ўз навбатида хусусий мулк шакли куйидаги кўринишларда (турларда) намоён бўлади:

А) яқка шахсга (индивидга) тегишли бўлган мулк (фуқаролар мулки);

Б) нодавлат юридик шахслар мулки.

Оммавий мулк таркибига куйидагилар киради:

А) Ўзбекистон Республикаси мулки;

Б) маъмурий-худудий тузилмалар мулки (муниципал мулк).

Давлат мулкдорнинг кўлидаги мулкнинг ўзгалар томонидан чегараланишини таъқиқлайди.

Бугунги кунда хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Демак, қонун йўл қўйган асосларда, тартибда фуқаролар чекланмаган мол-мулк сохиблари бўлиши мумкин.

Иқтисодий ҳуқуқлар таркибида банклардаги жамғармалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган. Бу муносабатлар банк омонати шартномаси билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқи асосида муомилага лаёқатли бўлган шахслар ҳар бири ўз номига ва учинчи шахс номига омонат очиш ҳуқуқига эга. Банкларга омонат қўйган шахсларнинг ёши, фуқаролиги, жинси, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий жамиятда тутган ўрнидан қатъи назар истаган банкларга омонат қўйишда чекланилмайди.

Омонатчиларга омонат қўйишлик учун лицензия берилган банкларга мурожаат қилиб, уларга қўйган омонатларини ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим ҳамда жамғарма (депозит) сертификати-нинг берилганлиги шартноманинг тузилганлигини билдиради.

Омонатчилар томонидан қўйилган пуллар миқдори сир тутилади. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунига биноан банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажаришни инобатга олиб прокурор, суд, тергов ва суриштирув идоралари ходимлари, суд ижроси ва давлат солиқ

идораларининг ёзма сўровига асосан қонунда кўрсатилган тартибда бу сирларни бериш мумкин<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатилганидек, иқтисодий ҳуқуқлардан яна бири – бу мерос ҳуқуқидир. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсон, фуқаро мерос қолдириш ҳуқуқига эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Фуқаролик Кодекси нормалари билан тартибга солинади. Меросхўрлар деганда вафот этганига қадар шу шахс билан бирга яшаган шахслар – фарзандлари, қариндош–уруғлари, ногирон шахслар, фарзандликка олган шахслар, умуман, шу оилада бўлган шахслардан иборат.

Мерос олиш мулк ҳуқуқини вужудга келтиради. Мерос фуқаронинг ўлими ва суд томонидан вафот этган деб, эълон қилиниши оқибатида очилади.

Вафот этган шахснинг (мерос қолдирувчига) тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрларга) ўтиши ворислик ҳисобланади. Фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини вафот этганидан сўнг ҳал қилувчи фармойишни ўзи тириклигида қонунда белгиланган тартибда васиятнома билан расмийлаштиради<sup>2</sup>.

Мабодо васиятнома ёзилмаган бўлса, Фуқаролик Кодексининг 1134- моддасига биноан қонун бўйича ворислик амалга оширилади. Қонун бўйича ворислар фақат фуқаролар бўлади, аммо васият асосидаги ворислик муносабатларининг субъектлари давлат, юридик шахслар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар бўлиши мумкин.

Инсонларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Масъул муҳаррир А.А. Азизхўжаев. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДҶОИ. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 162–163-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 3-жилд / Раҳмонкулов Ҳожи-Ақбарнинг умумий таҳрири остида; Масъул муҳаррир: И.Анортоев. Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. 217-бет.



нинг “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари асосида белгиланади<sup>1</sup>. Ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар миқдори ва меъёри халқаро ҳужжатлар меъёрларини тўлиқ эътироф этган ҳолда қабул қилинган ва улар талабларига жавоб беради.

Давлатнинг инсонпарварлиги ва маданий даражаси, у ўтказётган ижтимоий сиёсатнинг мазмунига қараб баҳоланади. Шу сабабли ҳам ислохотларнинг иккинчи босқичида Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг туб моҳияти аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган мақсадли ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришдан, айниқса, ижтимоий адолат қоидаларини янада мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеини оширишдан иборатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мақсади ҳам аҳоли фаровонлиги ва моддий турмуш тарзини яхшилашдан иборат. Президентимиз И.А. Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида бу борада қуйидаги фикрларни билдирган: “Бугун мамлакатимизда аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб боришни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди... Ўз навбатида, аҳоли даромадларининг ўсиши унинг харид қобилиятини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг кам таъминланган қисмини давлат ўз ҳимоясига олган. Бу эса ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда ижтимоий давлат барпо этиш каби стратегик мақсадларни амалга оширишнинг салмоқли асоси бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, бу соҳада қабул қилинган қатор

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Кодекслари: Тўпламлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. Тошкент: Адолат, 2006. 47, 53-бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди // Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 210 – 211-бетлар.

норматив хужжатлар давлатимизнинг ижтимоий соҳада олиб бораётган одилона сиёсатининг маҳсули сифатида баҳолашимиз мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январда «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди<sup>1</sup>. Унда болали оилаларга ижтимоий ёрдамни аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқариш мустаҳкамланди. Фармонда иш стажининг тўлиқ пенсия таъминлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинганлиги ва бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга (ишлайдиган ва ишламайдиган) бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йил 1 январдан бошлаб эса 200 фонизи миқдорида белгиланганлиги мустаҳкамланган. Улар асосида «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги<sup>2</sup> ҳамда «Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги<sup>3</sup> Низомлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 16 ёшгача болалари бўлган ва умумтаълим мактабларида, академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилашни кўзда тутган «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги<sup>4</sup> Низом ҳам ишлаб чиқилди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонунлар тўплами. 2002 йил. 2-сон.

<sup>2</sup> «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси. 2002 йил. 5-сон.

<sup>3</sup> «Ишлайдиган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси. 2002 йил. 5-сон.

<sup>4</sup> «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами. 2002 йил. 2-сон.

Низомда кўрсатилган қоидаларга кўра оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор шахарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки фуқаролар йиғини томонидан шундай масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия томонидан қабул қилинади.

Фуқаролар йиғини томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия таркиби фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи энг обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Ушбу комиссияга фуқаролар йиғини раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Мазкур комиссия аъзоларининг таркиби камида 20 кишидан иборат. Бунда комиссия таркиби, раисдан ташқари, ҳар йили 50 фоизга янгиланади.

Эндиликда барча фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, туғилган болаларни васийликка ва ҳомийликка олган 16 ёшгача (“умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача”) болалари бўлган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади, ушбу муддат тугагач, аризачи янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нафақа ҳар ойда тўланади. Олинган нафақалардан солиқ ундирилмайди.

“Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимизнинг бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган”<sup>1</sup>, деб республикаимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлади.

Ижтимоий ҳаёт фуқароларимизга ҳаётнинг барча жабҳаларида

<sup>1</sup> Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2007 йил. 8 декабр.

кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишини таъминлаш билан уларни энг асосий ҳуқуқларидан бири – меҳнат қилиш ҳуқуқи билан таъминланган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи даромад манбаи сифатида, унинг натижаларидан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш, қилинган меҳнат миқдори ва сифатига қараб, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақини олиш ҳамма учун тенг бўлган ҳуқуқдир.

Фуқаролар ўз хоҳиши бўйича касб-хунарни эркин танлаш, қобилиятига ва билимига яраша, ижодий меҳнат қобилиятини кенгрок қўллаган ҳолда, жисмоний ҳам ақлий меҳнат фаолиятини амалга ошириш каби конституциявий ҳуқуқларига эгадирлар.

Меҳнат ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади<sup>1</sup>. Бозор муносабатлари фуқаролар ўртасида шахсий меҳнат шартномаларини кўпроқ тузишликни келтириб чиқармоқда. Лекин ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар ёки давлат билан бу шартномаларни тузишликдан катъи назар, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий кафолатлари сақланиб қолинади.

Бу кафолатлар куйидагилардан иборат:

1. Меҳнатга давлат томонидан белгиланган энг кам миқдордан паст даражада ҳақ тўламастик;
2. Иш вақтининг энг кўп муддатининг чегараланиши;
3. Меҳнат таътилининг энг кам муддати;
4. Меҳнат қилишнинг хавфсиз шароитларини таъминлаш;
5. Ходимларни ишдан бўшатиш фақат қонунларда кўрсатилган асослардагина амалга оширилиши;
6. Маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатиш, фақат касаба уюшмаси кўмитаси розилиги асосида амалга оширилиши;
7. Бирор-бир шахснинг иродасига қарши ҳолатда меҳнатга жалб қилиниши мумкин эмаслиги ва бошқа шунга ўхшаш кафолатлар Республикамиз қонунларида, айниқса Меҳнат кодекси ҳамда “Аҳолининг бандлиги тўғрисида”<sup>2</sup>ги, “Меҳнатни муҳофаза

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 37-модда; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 456–503-бетлар; Ўзбекистон Республикаси Кодекслари: Тўпламлар // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Тошкент: Адолат, 2006.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 38-модда; Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг бандлиги тўғрисида”ги Қонуни.

қилиш тўғрисида»<sup>1</sup>ги республика қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларда тўлиқ ақс эттирилган.

Мажбурий меҳнат фақат суд ҳукми билан тайинланади. Бошқа ҳолатларда эса мажбурий меҳнат таъқиқланади. Худди шунингдек, ёлланиб ишлаётган шахслар ҳам юқорида кўрсатилган кафолатларга тўлиқ эгадир.

Фуқароларимиз ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг дам олиш ҳуқуқлари Асосий Қонунимизнинг 38-моддасида кўрсатилган. Фуқароларнинг дам олишлари қуйидаги турларга бўлинади:

1. Иш куни мобайнида дам олиш танаффуслари соатларига;
2. Иш куни тугагандан сўнг дам олиш вақтларига;
3. Ҳар ҳафтадаги дам олиш кунларига;

4. Байрамлар асосида дам олиш ва вояга етмаган шахсларнинг дам олиш кунлари ва соатларига ҳамда ижтимоий таътилларга (туғиш таътиллари, ўқиш билан боғлиқ таътиллар, ижодий меҳнат таътиллари) бўлинади.

Юқорида кўрсатилган дам олишлар, танаффуслар, соатлар, байрам кунларидан барча ходимлар ишчи ва хизматчилар ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт билан изоҳланиб, ҳар бирига алоҳида режим қўлланилади.

Ўзбекистон фуқаролари қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда моддий таъминот олиш ҳуқуқи Конституциямизнинг 39-моддасида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон давлатчилигининг асосий тамойилларидан бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат юргизиш ўз ичига ижтимоий ҳимояланиши зарур бўлган шахсларни олиб, пенсиялар, нафақалар ва бошқа бегараз ёрдамни ташкил этишни асосан давлат тузилмаларининг зиммасига юклайди. Лекин бу хайрли, саховатли ва савоб ишларида республикаимизнинг кўпчилик нодавлат ташкилотлари, фуқаролари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

2007 йилнинг ўзида, яъни ижтимоий ҳимоя йили давомида давлат дастури бўйича 26 та қонун, қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 5-сон.

<sup>2</sup> Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2007 йил. 8 декабрь.

Ҳеч шубҳасиз, гоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, ҳатто ёш вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-188 сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуроли мижозларда иштирокига тааллуқли факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 12 декабрдаги ЎРҚ-190 сонли Қонуни қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-154 сонли Қонунига биноан, яъни “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, “Ҳомийлик тўғрисида”ги ва “Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунлар, айниқса эътиборга сазовордир.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлганда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 228-моддасига асосан, “Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади”.

Ўзбекистоннинг юқори даражадаги маданийлашган ва маърифийлашган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиёти жамият аъзоларини ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси, 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”<sup>1</sup> ва бошқа қонунлар ва норматив ҳужжатлар билан тартибга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 324–346-бетлар; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 41-модда, 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури».

солинади. Ҳар бир инсон, фуқаро билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Давлат фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун етарлича шарт-шароит яратмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 ва 5 - сонли “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу норматив ҳужжатлар таълим тизими ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади, яъни унинг ҳуқуқий асосини тўлиқ таъминлайди<sup>1</sup>.

Республикада таълим асосан 7 та тилда, яъни давлат тилида, қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз, тожик ва бошқа тилларда олиб борилади.

Мамлакатимизда таълим тизими: ягона ва узлуксиздир. У ўз ичига қуйидаги таълим турларини олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Юқорида кўрсатилган таълим турлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 11 – 18- моддаларини ўз ичига олади.

Жинси, тили, ёши, ирқий ва миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикасида қанча вақт яшаётганидан қатъи назар, ҳар бир кишига билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади. Таълим муассасалари давлат ва нодавлат турларига бўлиниб, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолатда ўз фаолиятларини амалга оширади.

Оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш таъминланади. Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга. Республикада истиқомат

<sup>1</sup>Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: Истикбол, 2004. 305-бет.

қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон фуқаролари билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Фуқаролик ҳуқуқи предметининг маълум бир қисмини ташкил этган номулкий характерга эга бўлган ҳамда ушбу ҳуқуқнинг объектларидан саналмиш ижодий меҳнат маҳсулотлари, илмий, техникавий ва бадиий ижод ҳуқуқи ва эркинлиги ҳамда мамлакатимиз ва жаҳон фондларида сақланаётган маданий ва маънавий бойликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасини ташкил этади. Бу ҳуқуқлар кўпинча интеллектуал ҳуқуқлар билан боғлиқдир.<sup>1</sup>

Бу ҳуқуқлар илмий тадқиқотлар, ихтирочилик ва рационализаторлик, муаллифлик ҳуқуқларини қамраб олиб, адабиёт, фан ва санъатни ривожлантириш, рағбатлантириш ва мукофотлаш муносабатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар бир инсон ёки фуқаролар санъатнинг истаган, ўзи хоҳлаган тури билан, фаннинг ҳам ҳар қандай соҳаси бўйича шугулланиши ёки оғзаки ва ёзма ижод билан прозаик, лирик ёки драматик жанрларда бадиий ижод қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватлантирилади ҳамда рағбатлантирилади. Ҳар бир фуқаро ўзи томонидан яратилган асарнинг муаллифи ҳисобланади ҳамда гонорар олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир ижодкорнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши Конституциявий кафолатланилади.

Ижодкорнинг, яъни муаллифнинг асаридан фойдаланишни берухсат амалга ошириш ёки уни кўчириб олишлик плагиат масаласини келтириб чиқаради ва бу жинойи ёки фуқаролик ҳамда бошқа қонунларда кўрсатилган жавобгарликларга тортиш учун асос бўлади.

Халқимизнинг моддий ва маънавий бойликларини, жаҳон цивилизациясининг ютуқларини, миллий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган, фуқаролик жамиятини бошқара оладиган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг долзарб муаммосидир.

Айниқса соғлом ва фозил бўлган авлодни, нафақат жисмоний бақувват, шу билан бирга, руҳи, дунёқарashi, фикри соғлом, иймон-этиқоди бугун, билимли, маънавияти юксак, маърифатлашган, мард ва жасур, ватанпарвар, оилам, давлатим, ўзбек олаим, олижаноб халқим деб ёниб яшайдиган фарзандларимизни тарбиялай олишимиз, келажаги буюк бўлган давлатни фақат соғлом миллат ва соғлом авлодгина қура

<sup>1</sup> Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Тошкент: Ўзбекистон, 1988. 160-бет.



олади деб ишонтира олиш ва исботлаб беришимиз лозим.

Биз “кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига” ўтар эканмиз, Республикамиз Конституциясида улар қандай амалга оширилганлигини ва унинг кафолатлигини тасаввур қила олишлигимизни белгилаб беришимиз лозим.

### **Бизнинг фикримизча, бу муаммолар қуйидагилардан иборат:**

1. Конституция ва қонунлар устуворлигини доимий равишда таъминлаб бориш;

2. Бу қонунларни амалга ошириш пайтида миллий қадрият, удумлардан, анъаналардан келиб чиқиш лозим (Лекин бу қоидаларни ҳар ким ўз истаги бўйича қабул қилиши мумкин);

3. Миллий қадриятларни ўрганишда оламни ўзгача баён қилган шахслар, фидойи мутафаккирлар Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Абу Лайс Самарқандий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, ат-Термизий, ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий ва бошқа кўпгина олим ва донишмандларимиз фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқишимиз лозим.

Энг аввало, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини юмшатиш муқаррар қийинчиликларнинг олдини олиш ёки эҳтиёт чоралари ҳисобига инсонларни янги турмуш шароитларига мослашишини осонлаштириш лозим.

Ижтимоий бирдамлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ўз қобилияти ва истеъдодини шахс сифатида янада намоён этиш олиши учун зарур шароитларни яратиш лозим.

## ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ

Маълумки, Ўзбекистонда 2007 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Бу сайловда муқобил асосда қатнашган Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодлар иштирок этди.

Қонунга мувофиқ Президентликка кўрсатилган номзодларга сайлов кампаниясини ўтказиш, сайловчилар билан учрашиш, сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди.

Мамлакатимизнинг Асосий Қонунига, “Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар ва қонун ҳужжатларига биноан, мамлакатимизда сайлов демократия, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида, умумий ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди<sup>1</sup>.

Сайлов кампанияси муқобиллик ва соғлом рақобат асосида ўтказилганининг гувоҳи бўлдик. Сайлов жараёни фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий етуқлиги, уларнинг сайловда фаол иштирок этиши мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни кўллаб-қувватлаётганлигини ҳамда бу демократик ислохотлар орқали давлатни бошқаришдаги ролини тўлиқ англаган ҳолда айнан мамлакат келажаги ва янада раванқ топиши ўзлари томонидан қабул қилинган қарорларга боғлиқ эканлигини теран англаб етганлигининг ифодасидир.

Сайловнинг демократик асосда ўтказилганлиги исботи мамлакатимиз сиёсий партиялари билан биргаликда илк бор сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзоднинг улар билан тенг асосда иштирок этишидир.

Ушбу муҳим сиёсий тадбирда Президентликка ўз номзодини

---

<sup>1</sup> Мустақил Ўзбекистон халқи энг муносиб номзодни сайлади. (2007 йил. 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди) Адолат, 2007 йил, 28 декабрь.

кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 23 минг нафардан ортиқ кузатувчининг иштирок этгани сайлов жараёнида номзодларга тенг шароит яратиш, адолатлилик, конунийлик, ошкоралик тамойилларини қатъий амалга оширишга кўмаклашди. Президент сайлови мониторингида 30 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган – МДХ, ЕХХТ, ШХТ, ЕврАзЭС, ИКТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари бўлган қарийб 300 нафар халқаро кузатувчилар қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 300 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари журналистлари кенг ёритиб борди<sup>1</sup>.

Бу сайлов Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган чуқур ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар, демократик янгиланиш, модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш борасида жамиятимизнинг барча куч ва қатламларини янада жипслаштиришнинг муҳим омилига айланди<sup>2</sup>.

Айниқса, сайлов ҳақида ёки сайлов қонунчилигининг бузилиши ҳақида Марказий сайлов комиссиясига бирорта шикоят ва аризаларнинг тушмаганлигини эътироф этиш диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизнинг янги тарихида, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда алоҳида босқич бўлди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 14, 35-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Ислон Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилинди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида // Адолат, 2008 йил, 4 январь.

<sup>2</sup> Ўша жойда

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

2. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2008 йил, 6 декабрь.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Манавият, 2008.

4. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

6. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият» // Халқ сўзи. 2005 йил, 7 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Адолат, 2008. Жаҳон Конституциялари. 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2001.

8. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2003, 9–10-сон, 67-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар. А.А.Азизхўжаев, Ғ.Абдумажидов, М.А.Аҳмадшаева ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). Тошкент, 2006.

11. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 10-моддаси (1948 йил 10 декабрь). Ўқув қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Тошкент: Адолат, 1992.

12. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2008 йил, 2 май.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган “Сайлов тўғрисида қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш киритиш ҳақидаги Қонунга асосан бирмунча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди” (Халқ сўзи. 2008 йил. 27 декабрь).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2005 йил, 2 август.

15. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги тахрирда) Қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, 9–10-сон, 132-модда.

16. “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолати тўғрисида”ги Қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 9-сон, 344-модда.

17. “Фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрель Қонуни // Халқ сўзи. 2002 йил, 6 апрель.

18. Ўзбекистон Республикасида “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил, 4-сон, 76-модда.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995 йил, 9-сон, 183-модда.

20. “Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001 йил, 9–10-сон.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил, 2-сон, 36-модда.

22. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. Тошкент, 2007.

23. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) 1998 йил

1 май. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент: Адолат, 1998 йил, 19-сон.

24. Халқ сўзи . 2007 йил. 14-15 ноябр сонлари.

25. Истиқбол йиллари: Миллий-диний кадриятнинг халққа қайтиши (Наманган). Тошкент, 2001.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикасининг қонунлар тўплами. 2002. 2-сон.

27. “Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси. 2002. 5-сон.

28. “Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами. 2002. 2-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”; Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1998.

30. Зокиров И.Б. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар. Тошкент, 2002.

31. Ўзбекистон Республикаси Кодекслари: Тўпламлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Тошкент: Адолат, 2006.

32. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: Истиқбол, 2004.

33. Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. Тошкент: Ўзбекистон, 1988.

## МУНДАРИЖА

Конституция – ҳаёт манбаининг ҳуқуқий кафолати .....	3
Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар .....	19
Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари қандай амалга оширилмоқда.....	29
Инсон ва фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари .....	42
Демократия тантанаси .....	57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	59

*Наманган Давлат университети  
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

Мухаррир: *Ю. Партиева*  
Мусаххих: *А. Шаронов*  
Компьютерда саҳифаловчи: *И.И. Мусабоев*

Нашриёт рақами: з-80. Босишга руҳсат этилди 27.07.2009 й.  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Офсет босма. Офсет қоғози.  
Ҳисоб-нашриёт т. 4,0 Шартли босма т.3,72.  
45-буюртма. 200 нусхада.  
Келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти,  
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Босмахона манзили: ООО «ПАК YO'LI POLIGRAF»  
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.





Орол Эрнazarов 1943 йилда Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани Жом қишлоғида туғилган. ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Қўплаб масъул лавозимларда, жумладан, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасида ҳуқуқий маслаҳатчи, Конституцион суд раиси ўринбосари бўлиб ишлаган.

Ҳозирги кунда Наманган давлат университети «Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси» кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент. Юздан ортик илмий, илмий-услубий мақолалар ҳамда «Рим фуқаролик ҳуқуқи» дарслигининг муаллифи.

ISBN 978-9943-09-827-5



9 789943 098275